

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

163 «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингандиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2012 йил 29 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2012 йил 23 марта
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги 154-I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 496-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 330, 337-моддалар, № 12, 470-модда) куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсан:

1) **3-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ва гаровхоналар» ҳамда «ва гаровхоналарни» деган сўзлар тегишинча «ломбардлар ва кредит бюролари» ҳамда «ломбардлар ва кредит бюроларни» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

2) **17-модданинг:**

еттинчи хатбошиси ўзбекча матнидаги «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар» деган сўз билан алмаштирилсан;

саккизинчи хатбошисидаги «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

3) **VIII бўлимнинг номидаги** «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

4) **50-модданинг:**

номи ва **биринчи қисмидаги** «ва гаровхоналар» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

иккинчи қисмидаги «банклар» ва «гаровхоналар» деган сўзлар теги-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2012 йил 11 апрелда эълон қилинган.

шинча «банклар, кредит бюролари» ва «ломбардлар, кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми «Банклар» деган сўздан кейин «кредит бюролари» деган сўзлар билан тўлдирилсин, **ўзбекча матнидаги** «гаровхоналарга» деган сўз эса «ломбардларга» деган сўз билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «гаровхоналарга» деган сўз «ломбардлар, кредит бюроларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) 51-модда:

биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «ва гаровхоналарнинг» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюроларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «гаровхоналарнинг» деган сўз «ломбардлар ва кредит бюроларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «банкларнинг» деган сўз «банклар ва кредит бюроларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошисидаги «ва гаровхоналарга» деган сўзлар «ломбардлар ва кредит бюроларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошисидаги «ва микрокредит ташкилотлари» деган сўзлар «микрокредит ташкилотлари ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) 53-модданинг:

тўртинчи қисми ўзбекча матнидаги «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «гаровхоналар» деган сўз «ломбардлар ва кредит бюролари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда) **38-моддаси** қуидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Банклар кредит ахборотини кредит бюроларига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида такдим этади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул

163-модда

— 6 —

15 (515)-сон

килинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343-I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 6-модданинг учинчи қисми қўйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Битим предмети бўлган обьектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномалар (маълумотлар) кредит бюросига унинг сўровига кўра тақдим этилади»;

2) 18-модда:

қўйидаги мазмундаги **ўнинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«битим предмети бўлган обьектни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаш ёки хатлов мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаларни (маълумотларни) кредит бюrolарининг сўровига кўра тақдим этиши»;

ўнинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул килинган «**Давлат солик хизмати тўғрисида**»ги 474-I-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 312-модда, № 12, 415-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 474-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда) **6-моддасининг биринчи қисмига** қўйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

қўйидаги мазмундаги **26-банд** билан тўлдирилсин:

«26) солик тўловчиларни ҳисобга олиш маълумотлари, шунингдек уларнинг молиявий ҳисботлари тўғрисидаги ахборотни кредит бюrolарининг сўровига кўра тақдим этиши»;

26-банди 27-банд деб ҳисоблансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222-II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9,

330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда) **1-иловасига** кўйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

1) **кирқ саккизинчи хатбошининг ўзбекча матни** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ломбардлар фаолияти»;

2) кўйидаги мазмундаги **етмиш бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Кредит бюролари фаолияти».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган «**Банк сири тўғрисида**»ги 530-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда) кўйида ги қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модда** кўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит ахборотини белгиланган тартибда кредит бюроларига тақдим этиш банк сирининг бузилиши деб ҳисобланмайди»;

2) **12-модда** кўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредит ахборотини кредит бюроларига тақдим этиш кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майда қабул қилинган «**Истеъмол кредити тўғрисида**»ги ЎРҚ-33-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 5, 216-модда) **17-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасига кредит тарихини шакллантириш учун жойлаштирилади» деган сўзлар «кредит тарихини шакллантириш учун Кредит ахбороти давлат реестрига жойлаштирилади ҳамда кредит бюроларига тақдим этилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 10 апрель,
ЎРҚ-321-сон